

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 7 январь • №1 (1385)

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ, ҲУҚУҚЛАРИ ҚАДР ТОПШАН ЮРТ

Муносабат

Орта қолган 2021 йилни кузатиб, Янги – 2022 йилни кутиб олар эканмиз, яқунланган йилда юртимизда барча соҳаларда эришилган ютуқларга назар ташлаймиз. Чунки ўтган йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг асосий мақсади ҳар бир жамиятда олий қадрият ҳисобланмиш инсон манфаатлари тўла рўёбга чиқарилишига қаратилди.

Пандемия ва глобал инқирозга қарамай, юртимизда юқори иқтисодий ўсиш таъминланди. Кўплаб корхоналар, кластер ва технопарклар, замонавий инфратузилма тармоқлари барпо этилди. Янги-янги уй-жойлар, боғча ва мактаблар, олийгоҳ, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари фойдаланишга топширилди. Энг муҳими, бу янгиланишларни одамлар ўз ҳаётида ҳис этди. Янги Ўзбекистонни барпо этиш, учинчи Ренессанс пойдевори ни мутсаҳкамлаш йўлида дадил қадамлар ташланди. Ўзбекистоннинг халқаро мавқеи янада юксалди. Юртдошларимиз онг-тафаккури ўзгариб, халқимизнинг хоҳиш-истаклари, орзу-умидлари рўёбга чиққан ҳолда, ҳаётимизда ёрқин из қолдирди. Бу борада ЎзЛиДеП ўз дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, поёнига етган йилда барча соҳаларда кечган янгиланиш, юксалиш жараёнларига ҳамроҳлиқ олиб борди. Ҳаракатлар стратегиясини 2021 йилда амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар бажарилишига муайян ҳисса қўшди. Олдимизда эса янги, кўламдор, сифат ўзгаришларини чуқурлаштирадиган вазифалар турибди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги Ўзбекистон – бу ҳали том маънодаги, биз орзу қилаётган, интилаётган Янги Ўзбекистон эмас. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригини тинглаб, жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада ошишига, Янги Ўзбекистонда инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, одамларни рози қилиш давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолишига ишонч ҳосил қилдим. Давлатимиз раҳбарининг халқимизга йўллаган табригдаги куйидаги сўзлари диққатга сазовордир: “Юрти-

мизда кенг кўламли ислохотларимиз барқарор тус олди. Уларни янада ривожлантириш мақсадида биз Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқдик. Унинг асосида “Инсон қадри учун”, деган улуғвор ғояни амалга ошираемиз. Биз янги йилга ном беришда, кенг жамоатчиликнинг фикрларини ўргандик. Ана шу таклифлардан келиб чиқиб, мен Янги – 2022 йилни мамлакатимизда “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилишни таклиф этаман”. Бу фикрга барчамиз бирдек қўшилаемиз. Бойси инсон қадрини улуғлаш – юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир.

2022 йилга ана шундай ном берилиши беш йил муқаддам

Бугун Ўзбекистон учун янги давр бошланди. Президентимиз “Халқимиз билан бошлаган демократик ислохотлар йўлини янада қатъий давом эттираемиз ва бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз! Янги Ўзбекистонни биргаликда, албатта, барпо этаемиз!” дея бот-бот таъкидламоқда.

бошланган туб ислохотлар ортга қайтмаслигидан далолатдир. Негаки, Янги Ўзбекистонда “Давлат – инсон учун” тамойили асосида инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, одамларни рози қилиш ислохотларнинг энг устувор йўналишига айланди ва бу борадаги сый-ҳаракатлар келгусида ҳам изчил давом этади. Уларнинг нечоғли самарадор бўлишида эса жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутди.

Шу жиҳатдан, яқинда мазкур тизимдаги ишлар янада такомиллаштирилиб, ҳар бир маҳаллани ҳокимликлар билан боғлаш мақсадида маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилди. Бу эса, Президентимиз қайд этганидек, жойларда раҳбарлар фақат давлат-



га эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилишига эришишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Бу ўзгариш маҳаллада аҳоли билан ишлаш механизмларини такомиллаштиришти. Шунингдек, Ўзбекистон аҳолисининг олтимаш фойдасидан ортганини ташкил этувчи ёшларнинг ҳам катта ҳаёт-

ларимиздан келиб чиққан ҳолда еттига йўналишда белгилаб олинди. Стратегиядаги ҳар бир вазифа ва мақсадлар жорий йил бўлиб ўтган сайлов жараёнларида бевосита фуқароларимиз иштирокида муҳокамадан ўтказилиб, ҳаётий таклиф ва ташаббуслар билан тўлдирилди. Бошқача айтганда, халқимиз билан бамаслаҳат ишлаб чиқилди. Демак, ислохотларни янги босқичда давом эттириш, аввало, халқимизнинг хоҳиш-иродасидир.

Эътибор беринг, Тараққиёт стратегиясининг биринчи йўналиши — эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотларни янги поғонага кўтаришга йўналтирилган вазифалардан иборат. Улар ҳаётимизга татбиқ этилиши орқали миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган “Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат” ғоясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, “Инсон қадри учун” деган устувор тамойил тўлақонли рўёбга чиқарилади. Жумладан, бунда маҳаллий бошқарув органларининг жойларда муаммоларни ҳал этишдаги роли ва масъулияти янада кучайтирилади. Албатта, Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда

халқ вакиллари бўлган депутатлар алоҳида ўрин тутди. Хусусан, Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, халқимиз кутаётган, Янги Ўзбекистон тараққиётини тезлаштиришга хизмат қиладиган қонунчилик концепциясини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш ва уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтиришга устувор аҳамият берилди. Бу борада парламент томонидан мамлакатимиз бўйича муурожаатлар билан ишлаш ҳолати назоратга олинди, жойлардаги ижро идораси раҳбарлари ҳисоботини эшитиш ва натижага асосланиб, уларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш тизими йўлга қўйилди.

Бугун Ўзбекистонда янги давр бошланди. Президентимиз “Халқимиз билан бошлаган демократик ислохотлар йўлини янада қатъий давом эттираемиз ва бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз! Янги Ўзбекистонни биргаликда, албатта, барпо этаемиз!” дея бот-бот таъкидламоқда. Қатъият билан йўғрилган бу сўзлар барчамизни янада фаолроқ ишлашга даъват этмоқда, руҳлантирмоқда.

Ақтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари.

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг йирик ва ижтимоий аҳамиятга эга тузилма

Ўзбекистон тиббиёти – инсон кадри учун

Қишининг совуқ кунлари. Яқин кунларда ёққан қор ҳамон у ер, бу ерда сақланиб қолган. Соат 10:00. Замонавий микроавтобусда манзил сари йўлга чиқдик. Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан ўтказилиши режалаштирилган “Очиқ мулоқоти” доирасида мамлакатимизнинг етакчи оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда блогерлардан иборат жамоа пойтахтимизда жойлашган энг йирик шифо масканлари фаолияти билан яқиндан танишиши мақсадида йигилганмиз.

Йўл-йўлакай пресс-тур дастури билан танишаман. Унга кўра, биз борадиган дастлабки манзил – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг йирик ва кучли ижтимоий аҳамиятга эга тузилма ҳам айнан шу, дея ўйлайман. Тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотларни катта кизиқиш билан кузатиб борувчи журналист сифатида ушбу шифо маскани ҳақида билганларимни сизга ҳам улашаман.

Биласизми, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЎИМ) кўп тармоқли тиббиёт маркази бўлиб, у шошилинч тиббий ёрдамнинг барча йўналишлари бўйича, шу жумладан, катталар ва болалар учун жарроҳлик, терапевтик, педиатрик, куйиш-токсикологик ҳамда фавқулодда ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатади. Бугунги кунда юртимизда вилоят ва туманлардаги ихтисослашган марказлар филиаллари ва бўлимлардан иборат энг юқори талабларга мос ягона шошилинч тиббий ёрдам хизмати татбиқ этилган.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унга бириктирилган республика санитар авиацияси ҳамда Тошкент шаҳрининг “103” хизмати ШТЎХнинг бош муассасаси ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил қилинган Марказнинг 13 филиалида махсуслаштирилган шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилади. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг 179 та аҳоли пунктида РШТЎИМнинг субфилиаллари – шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари фаолият олиб бормоқда. Ушбу стационарлардан ташқари, тизимга “103” – тез тиббий ёрдам хизмати, санитар авиацияси ва фавқулодда вазиятларда аҳолини тиббий таъминлаш хизмати ҳам бириктирилган. Мана, марказга ҳам етиб келдик. Бизни бу ерда тиббиёт муассасаси масъул ходимлари кутиб олишди. Ташрифимиз уларни мамнун қилди.

– Сўнги йилларда марказимиз фаолиятида кескин ўзгаришлар кузатилди, – дейди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директори Дониёр Алимов. – Шифокорлар ҳамда беморларга яратилган қулайликлар, шароитлар бўлганидан кейин аҳолимизга ёруғ юз билан сифатли хизмат кўрсата олялмиз. Аксарият халқимиз тиббиёт соҳаси, умуман марказимиз ҳақида ҳам аввалги таассуротлари

билан юрган бўлишлари мумкин. Аммо ҳозир ўзларингиз ҳам гувоҳи бўласизлар, муассасамизда замон талабларига монанд хизмат йўлга қўйилган. Энг сўнги диагностика ва тиббий аппаратуралар билан жиҳозланган. Буни албатта, халқимиз билиши зарур.



Дастлаб, конференц-залида журналистларга шифохона ҳақида, сўнги йилларда амалга оширилган ишлар, охириги олти ой мобайнида қўлга киритилган ютуқлар хусусида маълумот берилди. Таъкидланишича, биргина 2020 йилда ушбу тизим муассасаларига 13 миллиондан зиёд бемор мурожаат қилган. 2021 йилнинг 11 оyi мобайнида умумий мурожаатлар сони 10 миллиондан ортиқни ташкил этди, икки ярим миллиондан зиёд беморга стационар муассасаларда ёрдам кўрсатилди.

РШТЎИМ, унинг филиаллари ва субфилиалларида йилига 217 мингдан ортиқ беморга стационар шароитда мураккаб хирургик амалиётлар ўтказилади, ундан ташқари яна 268,1 мингдан ортиқга амбулатор амалиётлар бажарилмоқда. Тизимда 87,5 минг нафарга яқин ходим фаолият олиб бормоқда, шу жумладан, шифокорлар сони 16,7 мингдан зиёд, ҳамширалар эса 52,4 мингдан ортиқ. Ҳозирги кунда кадрлар билан таъминланганлик даражаси 98 фоизни ташкил этмоқда.

Дарвоқе, Янги йил байрами мамлакатимизда ҳам кенг нишонланишини инобатга олиб, марказ ходимларини саволга тутдик.

– Ҳар бир хонадонда байрамона муҳит яратилиб, дастурхонга энг тансиқ таомлар тортиқ қилинади. Янги йил кибриб келиши билан, мушакбозликлар бошлаб юборилади. Бу каби жараёнларда айрим кўнгилсиз ҳодисалар ҳам учраб туради. Аксариятимизда овқат тановул қилиш борасида одатий режимнинг бузили-



ректор, бош шифокор ва директор ўринбосарларидан иборат штаб тузилган. Улар ҳам навбатчилик асосида фаолият кўрсатади. Янги йил байрами муносабати билан эълон қилинган 5 кунлик дам олиш саналарида худди шу тартиб амал қилади. Бундан ташқари, мамлакатимиз бўйлаб 2 минг 861 та тез тиббий ёрдам бригадаси зарур дори-дармонлар билан таъминланган. Шошилинч ва тез тиббий ёрдам тизимида фаолият кўрсатаётган қарийб 17 минг нафарга яқин шифокор ва 52 минг нафардан зиёд ҳамшираларга ҳам зарур кўрсатмалар берилган.

Тез тиббий ёрдамда “Дамас” русумли автомобиллардан бутунлай воз кечилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар барчамиз учун ўта муҳим ва ҳар биримизга дахлдордир. Айниқса, буни бемор бўлган инсон, шифо масканларида шифо истаб, шифокорлардан нажот кутаётганлар жуда яхши ҳис қилишади. Иссиқ жонмиз, касал бўлмасликка, эртага шу беморларнинг ўрнида биз бўлмаслигимиз мумкинлигига кафолатланмаганмиз. Аммо бир нарса борки, эртанги кунга, сифатли, кафолатланган тиббий хизмат олишга бўлган ишонч кўнгилни хотиржам қилади. Кейинги йилларда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳасидаги янгиланишлар тизимнинг барча йўналишларини қамраб олмоқда. Тиббиётнинг уч босқичли миллий модели – бирламчи тиббий санитария, шошилинч тез тиббий ёрдам ва ихтисослаштирилган тиббий хизмат тизимини янада такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда. Айниқса, шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати ва сифатини оширишга жуда катта эътибор қаратилди ва мазкур йўналишни ривожлантириш учун кенг қўламли ишлар қилинди. Шошилинч тез тиббий ёрдам – ўз номи билан кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдамдир. Бундай вазиятда ҳатто сониялар муҳим рол ўйнайди. Шошилинч тез тиббий ёрдамга муҳтож беморга қанча эрта тиббий ёрдам кўрсатилса, бир жоннинг ҳаётини сақлаб қолиш эҳтимоли катта бўлади. Бу борада биринчи галда

мамлакат тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мутахассислар масъулиятини, малакасини ошириш муҳим вазифадир. Ана шуларни теран ҳис қилган ҳолда Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинди.

Биласизми, ТТЎХнинг автотранспорт билан тўлиқ таъминланиши бригадаларнинг чақириқларга кечикиш ҳолатларини сезиларли қамайтирди. Биргина мазкур муаммонинг бартараф этилиши инсон кадрини улуғлашга қўйилган энг муҳим биринчи қадамдир. Кечикиш ҳолатларини янада қамайтириш ва иложи борица бартараф қилиш мақсадида мавжуд 2 минг 685 бригададан 1 минг 666 тасининг дислокация нуқталари узоқ ҳудудларда жойлашган аҳоли пунктларига яқинлаштирилди.

Жумладан, тугатилган 441 та кишлоқ врачлик пунктлари ўрнида тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил қилинди ва уларга биттадан бригада бириктирилди. Шунингдек, 793 та кишлоқ оилавий пунктлари ва Тошкент шаҳрининг 63 та поликлиникалари қошида ҳам худди шундай шохобчалар ташкил қилинди. Натияжада, тез тиббий ёрдам бригадаларининг хизмат кўрсатиш ҳудуди радиуси ўртача 15-20 кмдан 8-12 кмгача қисқартирилди.

Шундай қилиб, бугунги кунга келиб мамлакатимизда “Тез ёрдам” шохобчалари 1 минг 666 тага етди. 2016 йилда эса уларнинг сони атиги 800 та эди. Тез тиббий ёрдам бригадалари 2016 йилда жами 1 минг 648 тани ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда 2 минг 685 тага етган. 2016 йилда Тошкент шаҳри тез ёрдам тармоғида бор йўғи 4 та реанимобил бор эди. 2020 йил давомида Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясига 150 дона “Форд” русумли реанимацион тиббий аппаратлар билан жиҳозланган тез тиббий ёрдам автомашиналари харид қилинди, 2021 йилнинг сентябрь ойида 100 дан зиёд “VW Caddy” русумли автомашиналар жойларда хизматга топширилди.

► (Давоми 3-бетда)

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг йирик ва ижтимоий аҳамиятга эга тузилма

► (Давоми. Боши 2–бетда)

Бугун эса республиканинг тез тиббий ёрдам хизматида 435 дан ортиқ реанимобил мавжуд. Аста-секин тез тиббий ёрдамда “Дамас” русумли автомобиллардан бутунлай воз кечиш режалаштирилмоқда.

Мазкур рақамлар тизимнинг оперативлиги, натижадорлиги ошганини англатади. Натижада эса тез тиббий ёрдамнинг кечикишлари 10-12 фоиздан 1-2 фоизгача камайди. Чақириқларга етиб бориш вақти ўртача 25-30 дақиқа бўлган бўлса, ҳозир атиги 8-12 дақиқани ҳосил қилади.

Кафолатланган тиббий хизмат – эртанги кунга ишонч

Шифохона фаолияти билан танишиш жараёнида дорилар таъминоти, дори препаратларининг сакланиш тартиби билан ҳам қизиқдик.

– *Тез тиббий ёрдам хизматини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш жараёнини марказлаштириш натижасида бир чақириқ учун ажратилган дори воситалари қиймати ҳар йили камида икки баробар ошириб борилишига эришилди, – дейди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Даврон Туляганов. – Жумладан, 2016 йилда “Тез тиббий ёрдам” тизимида битта чақириққа дори-дармон учун ажратилаётган маблағ 500 сўмни ташкил этса, айни пайтда ушбу кўрсаткич ўртача 6 минг 500 сўмни ташкил этади.*

Соҳада шундай янгиликлар, тартиблар жорий қилиндики, шу юрт фуқароси эканлигиндан, кадр топаётганидан, кафолатланган тиббий хизмат олишинг мумкинлигидан эртанги кунга ишончинг пайдо бўлади. Биласизми, эндиликда шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам мулккий шакли ва бошқарувидан қатъий назар барча тиббиёт муассасаларида аҳолига бепул кўрсатилиши ва ҳаёт

учун хавф туғдирувчи ҳолатларда тиббиёт муассасаларига шошилинч тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахсларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишни рад этиш тақиқланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан белгилаб қўйилди. Мазкур янги юридик-ҳуқуқий янгиликни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Республика ихтисослаштирилган марказлари учун ва алоҳида шошилинч постлари бўлмаган тиббиёт ташкилотлари учун шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар рўйхати ишлаб чиқилди ва соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 23 февралдаги тегишли буйруғига биноан тасдиқланди. Шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати ҳам тасдиқланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси тегишли идоралар билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Жигар ва буйрак кўчириб ўтказиш операцияси бепул амалга оширилмоқда. Шошилинч тиббий хизмат тизимида амалга оширилган ислохотлар кўпгина беморларнинг турли хасталиклар билан эрта вафот этишининг олдини олди. Кейинги йилларда турли замонавий тиббий техника воситалари билан жиҳозланган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудлардаги филиалларида турли мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказиладиган бўлди. Албатта, бунда у ердаги малакали мутахассисларнинг хизматларини унутмаслик зарур.

Диагностика ва даволаш жараёнига бир қатор инновацион усуллар ва ташкилий ечимлар татбиқ қилинди. Хусусан, умуртка погонасини ностабил синишлар

ри туфайли ўлим ва чуқур ногиронлик кўрсаткичлари 40-50 фоизни ташкил этар эди. Аммо Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг барча ҳудудлардаги филиалларида умурткаларнинг ностабил синишларини хирургик даволашнинг замонавий транспедикуляр металлоконструкция билан мустаҳкамлаш усуллари татбиқ қилинди. Бу эса юқоридаги кўрсаткичларнинг сезиларли даражада камайишига олиб келди. Бундан ташқари, илгари марказларда тос-сон бўғинини эндопротезлаш амалиётлари сон суякларини синишлари ўткир даврида ўтказилмас эди. Бугунги кунда тос-сон бўғинини эндопротезлаш амалиётлари иш жараёнига татбиқ этилган.

Шунингдек, Марказий Осиёда биринчи бўлиб бош миянинг қон-томир нуқсонларини (аневризма, мальформациялар, Моя-Моя касаллиги) диагностика қилиш ва хирургик даволашнинг энг замонавий юқори технология усуллари ҳамда юқори технологик кўп томирли аорто-коронар шунтлаш операцияси бажарилган бўлиб, уларнинг 98 фоизи ишлаб турган юракда бажариладиган бўлди.

Илгари буйрак ва жигар етишмовчилигида орган трансплантацияси амалиётлари ўтказилмасди. Бунинг натижасида кўпгина ватандошларимизнинг эрта вафотига олиб келар ёки катта маблағ эвазига хорижий мамлакатларда операция қилдириб келинишига тўғри келарди. Энг қувонарли янгиликлардан бири айни пайтда эса бу икки мураккаб амалиёт юртимизда ҳам амалга оширилмоқда. Айнан РШТЎИМ трансплантология бўлимида буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти ўтказилмоқда. Айни пайтда ўтказилган буйрак трансплантацияси амалиётлари сони 130 дан ошган. Бу йилдан эса ҳар йили 100 та шундай мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Шошилинч тиббий ёрдам хизмати такомиллаштирилгани натижасида 2016 йил шикаст-



ланишлар оқибатидаги болалар ўлими кўрсаткичи 19 фоиз, ногиронлик улуши 30 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич айни пайтда 19 фоиздан 12 фоизгача, ногиронлик эса 30 фоиздан 22 фоизгача пасайди. Кўриб, гувоҳи бўлганимиздек, тез тиббий ёрдам, шошилинч тиббий хизматнинг фаолияти кейинги тўрт йилда янги босқичга кўтарилгани аҳолига тез ва самарадор, сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишига замин яратмоқда. Бу эса халқнинг давлат ва соҳадан рози бўлиши йўлида хизмат қилиши шубҳасиз.

Пресс-тур иштирокчилари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳудудда қурилган 75 ўринли 5 қаватли янги бинода ҳам бўлди. Шошилинч тиббий ёрдамдаги энг ноёб соҳаларни – кардиохирургия, невровазкуляар хирургия ҳамда трансплантология соҳаларини камраб оладиган мазкур марказ қурилиши ва жиҳозланиш қиймати 202 миллиард сўмдан зиёд экан. Бинонинг очилиши 2022 йилнинг 1-кварталида ва тўлиқ иш ҳажми натижасида кардиохирургия бўлимида йилига 700 дан ортиқ кўтарилувчи аорта ва юрак клапанларни протезлаш, кўп томирли аорто-ко-

ронар шунтлаш операцияларини амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Таққослаш учун айтаётган бўлса, ҳозирги шароитда 300 дан зиёд амалиёт бажарилади. Трансплантология бўлимида йилига 300 дан зиёд буйрак ва жигар бўлагини кўчириб ўтказиш амалиётлари бажарилиши учун барча шароитлар яратилинади. Ҳозирги вақтда эса йилига 100 та амалиёт бажарилмоқда. Нейро-қон томир хирургияси бўлимида бош миянинг қон томир нуқсонларини хирургик даволаш натижасида йилига 200 дан зиёд чуқур ногиронликка маҳкум бўлган беморларга ноёб амалиётлар ўтказилади. Интервенцион муолажалар бўлимида ҳар йили кўшимча мингдан зиёд ўткир коронар синдром, бош мия қон айланишининг ўткир бузилишида юқори даражадаги минимал инвазив диагностика ва даволаш муолажалари ўтказилади.

Бу эса, ўз навбатида, касалланиш, ўлимга олиб келувчи ҳолатларнинг қисқаришига ва ногиронликни камайишига олиб келади ҳамда соғлиқни сақлаш тизими олдида қўйилган аниқ вазифаларни бажаришига хизмат қилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг йирик ва ўта кучли ижтимоий аҳамиятга эга тузилмалардан бири бўлган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази фаолияти том маънода пресс-тур иштирокчиларининг ҳайрати, қувончи, ҳам эртанги кунга бўлган ишонч ва умидини янада кучайтирди. Ана шундай кўтаринки кайфиятда навбатдаги манзил сари йўл олдиқ...

Моҳиғул Қосимова, ЎЗА

НУКУС ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЯНГИ БИНОДА ИШ БОШЛАДИ



Янги бинонинг очилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Камалов сўзга чиқиб, йиғилганларни Янги йил байрами ҳамда тиббиёт бирлашмаси янги биносининг фойдаланишига топширилиши билан қутлади.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хорижий тажрибаларни жорий этиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги бино аҳолига ҳақиқий байрам тухфаси бўлди. Бино учун 2 гектар ер майдони ажратилиб, 13 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Бирлашмада патология, терапия, шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш, юқумли касалликлар ҳамда болалар бўлимлари фаолият олиб бормоқда.





ОНКОГЕМАТОЛОГИЯ: ЧТО ПОМОГАЕТ ОДЕРЖАТЬ ПОБЕДУ НАД СЕРЬЕЗНЫМ НЕДУГОМ?

В Узбекистане придается особое значение развитию сферы здравоохранения, в том числе своевременному выявлению и профилактике онкогематологических заболеваний. Сегодня большая их часть может быть вылечена с помощью высокотехнологичных методов - высокодозной химиотерапии, таргетных препаратов, трансплантации гемопоэтических клеток крови... Поэтому главное - своевременная и высококвалифицированная помощь.



Согласно статистическим данным заболеваемость системы крови составляет восемь-десять новых случаев на 100 000 населения в год. А это около 2500 первичных больных (как взрослых, так и детей). Кроме того, в группу трудноизлечимых заболеваний системы крови входят апластические и гемолитические анемии, врожденные иммунодефициты. Лечение таких пациентов требует огромных финансовых расходов и считается самым дорогим во всем мире.

Онкогематологические заболевания - группа злокачественных новообразований, возникающих из-за мутаций в клетках костного мозга и нарушающих работу всей системы кроветворения. Опухоли кроветворной и лимфоидной тканей составляют приблизительно восемь процентов от всех таких новообразований и в совокупности входят в число самых распространенных видов онкологии.

НАПРАВЛЕНИЕ, НУЖДАВШЕЕСЯ В ПОДДЕРЖКЕ

История изучения подобных заболеваний и борьбы с ними началась еще в первой половине прошлого века. Важно отметить и то, что одновременно с гематологией развивалось дело переливания крови. Первый соответствующий кабинет открыт в 1930 году в Ташкенте при Хирургической клинике профессора И. Орлова и работал на общественных началах без утвержденного штата и ассигнований на оплату доноров (ими становились медработники и родственники больных). Применение крови для лечения многих тяжелых заболеваний, необходимость планомерной ее заготовки, организации донорства, изготовления стандартных сывороток требовали создания штатного учреждения. Так, в 1934-м кабинет был реорганизован в Центральную станцию переливания крови. А 31 октября 1940 года начал свою деятельность Научно-исследовательский институт переливания крови Узбекистана, в последующем переименованный в Научно-исследовательский институт гематологии и пере-

ливания крови.

В период с 1961-го по 1984-й была создана материально-техническая база: открыты новые научные лаборатории, гематологические отделения, гемофилический центр со школой-интернатом, развиты мощности производственной трансфузиологии, позволившие наращивать объем и ассортимент выпускаемой продукции - гемокомпонентов и препаратов. А вместе с тем тогда появился Республиканский гематологический центр (ныне - Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр гематологии, РСНПМЦГ).

Раньше он располагался на двух территориях: в Чиланзарском и Яккасарайском районах столицы. Это создавало неудобства для пациентов и сотрудников. Учреждение занимало четырехэтажное здание общежития, приспособленного для больницы, но все еще не соответствовало предъявляемым требованиям полностью. Например, было нелегко транспортировать больных между этажами. Коридоры в отделении консультативной поликлиники - узкие, а кабинеты ма-

ленькие. Порою пациентам просто не хватало места в них, в результате в круглосуточных отделениях в палатах лежали по четыре-пять человек. Холодильники для хранения продуктов питания были общими. Для ухаживающих за больными детьми родителей не имелось условий.

Наблюдалась и проблема с оборудованием для диагностики гематологических и онкогематологических заболеваний, которое в основном закупалось еще в 70-80-х годах прошлого века, поэтому морально устарело.

Заметно мешала направлению развиваться и нехватка кадров в области гематологии, особенно в регионах, что оказывало влияние на качество работы.

На этом проблемы не заканчивались. Так, обеспечение одним из главных компонентов лечения и реабилитации - лекарственными средствами - составляло всего 15-20 процентов. Остальное покупали родители и родственники больных за свой счет. Нехватка мест приводила к огромным очередям. А ведь порой в подобных ситуациях счет идет на дни.

ДОЛГОЖДАНЫЕ ПЕРЕМЕМНЫ

14 мая текущего года Президент посетил РСНПМЦГ. Это событие стало толчком к изменению направления и его работы: внимание главы государства привело к кардинальным и конструктивным преобразованиям в данной службе. За беспрецедентно короткий срок было утверждено постановление лидера страны «О дальнейшем совершенствовании системы оказания населению гематологических и онкологических услуг» от 27 мая 2021 года, которое стало еще одним из больших успехов в области онкогематологии.

На основании данного документа в целях улучшения соответствующей специализированной службы населению центр гематологии переехал в два новых модернизированных медицинских корпуса. Укрепляется материально-техническая база службы гематологии, повышается и кадровый потенциал. Для развития системы эффективной профилактики и ранней диагностики, а также интеграции передовых методов диагно-

стики, лечения онкогематологических и трудноподдающихся терапии заболеваний, особенно у малышей, созданы необходимые условия.

— Благодаря инициативе Президента и правительства, а также рабочей группе Министерства здравоохранения ситуация в службе детской онкологии и гематологии кардинально изменилась буквально за пару лет, - комментирует кандидат медицинских наук, детский врач-гематолог Сапура Ибрагимов. - Сегодня мы работаем в новом, современном, оснащемном всем необходимым оборудованием и медикаментами лечебном заведении.

Предусмотрена стажировка наших специалистов в ведущих медучреждениях подобного профиля за рубежом: шесть клинических ординаторов обучаются в Российском НИИ гематологии и трансфузиологии (Санкт-Петербург). Также ежемесячно по десять человек поэтапно проходят стажировку в зарубежных профильных центрах. Вся наша работа имеет одну цель - обеспечить благополучие и здоровье сограждан.

Изменения очевидны. В центре функционирует консультативно-диагностическая поликлиника для взрослых и детей с мультидисциплинарной службой со всеми узкими специалистами. В отделениях выделяются комнаты для проведения манипуляционных процедур, переливания крови, подготовки химиотерапевтических препаратов для инъекций, проведения стерильной и эндолумбальной пункций.

В уходящем году из Государственного бюджета республики выделено 98 млрд сумов. Закуплено 40 видов специальных лекарственных средств и реагентов, потребность центра в которых покрыта на сто процентов.

Созданы централизованные высокотехнологичные научные лаборатории молекулярной генетики, цитогенетики и цитофлуориметрии; морфологии, гистологии и иммуногистохимии; иммунофенотипирования и HLA генотипа; иммунохимии. Здесь же запущена деятельность отделения патологии системы гемостаза.

▶ (Продолжение на 5-стр.)

► Здравоохранение

ОНКОГЕМАТОЛОГИЯ: ЧТО ПОМОГАЕТ ОДЕРЖАТЬ ПОБЕДУ НАД СЕРЬЕЗНЫМ НЕДУГОМ?

◀(Продолжение. Начало на 4-стр.)

РЕФОРМЫ, НЕ ТЕРПЯЩИЕ ОТЛАГАТЕЛЬСТВ

Только за последнее время в РСНПМЦГ появились отдельные приемный покой для детей и взрослых, консультативная поликлиника, дневной стационар, реанимация, одноместные палаты для детей с санузлами и диван-кроватями для матерей и новое отделение центральной стерилизации. Для детского и взрослого блоков построена отдельная современная прачечная, установлены стиральные и сушильные, посудомоечные машины, микроволновые печи. Во всех палатах, а также вспомогательных помещениях - телевизоры и холодильники. Созданы госпитальная школа и детский сад. Пятикратное питание соответствует всем требованиям и составляет 35 тысяч сумов в день на каждого больного.

Налаживается соответствующая последнему слову науки методика Bio Meri по диагностике аэробов, анаэробов и других бактерий. В работу интегрирован метод проточной цитофлуориметрии, стандартная цитогенетика, молекулярная диагностика на клеточном, хромосомном и генетическом уровнях. Имеются собственная кислородная станция европейского стандарта (по 35 м3) для каждого блока и система центральной вентиляции, кондиционирования и охлаждения.

Ведется работа по созданию отделения функциональной диагностики с инструментальным и рентгенорадиологическим оборудованием - мультиспиральной компьютерной томо-

графией (МСКТ), магнитно-резонансной томографией (МРТ), современной ультразвуковой диагностикой (УЗД), цифровым рентгеновским аппаратом, денситометром.

